



Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни Сақлаш
Вазирлигининг
2018 йил 27 августдаги
№542 сонли Буйруқ

Ўзбекистон Республикасида вирусли
гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва
профилактикаси бўйича чора-тадбирларни
янада такомиллаштириш тўғрисида

Ушбу буйруқ вирусли гепатит
касалигига ташхис қўйиш
ва даволаш усулларининг янги
замонавий стандартларига
асосланган.

2018 йил 27 августдан бошлаб кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг

“Республикада вирусли

гепатитларнинг тарқалишини

камайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида” 2012 йил 5 –сонли

буйруғи ўз кучини йўқотган .

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 05.25.2012 йилдаги №5 ва 27.08.2018 йилдаги Вирусли гепатитлар тўғрисидаги буйруқ иловаларидаги фарқлар

▶ Республикада вирусли гепатитларнинг тарқалишини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида №5 Буйруқ қуйида иловалардан иборат:

▶ Вирусли гепатитнинг этиологияси, эпидемиологияси ва патогенези тўғрисида 1-илова

▶ Ўзбекистон Республикасида вирусли гепатитларнинг ташхисоти, давоси ва профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг янада такомиллаштириш тўғрисида.

№542 Буйруқ

Қуйидаги иловалардан иборат:

▶ Вирусли гепатитларнинг эпидемиологияси, профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома- 1 иловага мувофиқ

ДАВОМИ

- ▶ Вирусли гепатитларнинг клиникаси ва давоси тўғрисида
2- илова
- ▶ Вирусли гепатитларда дезинфекцияловчи воситалар билан ишлаш тартиби тўғрисида
3- илова
- ▶ Вирусли гепатитларда дезинфекция тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш тўғрисида йўриқнома
2- иловага мувофиқ
- ▶ Вирусли гепатит А касаллиги клиникаси диагностикаси ва даволаш усуллари тўғрисида йўриқнома
3- иловага мувофиқ

ДАВОМИ

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 5-январдаги 5-сонли “Республикада вирусли гепатит касаллигини олдини олиш-чора тадбирлари” тўғрисидаги буйруқда
 - ▶ Вирусли гепатит Е касаллиги клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари тўғрисида йўриқнома 4-иловага мувофиқ
 - ▶ Вирусли гепатит В касаллиги клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари тўғрисида йўриқнома 5-иловага мувофиқ

ДАВОМИ

- ▶ Касалликлар назологияси бўйича , вирусли гепатитга нисбатан профилактика ва эпидемиологик чоратadbирлар қўллаш бўйича маълумотлар умумий берилган эди ва алохида иловларга ажратилмаган.
- ▶ Вирусли гепатит С касаллиги клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари тўғрисида йўриқнома 6-иловага мувофиқ
- ▶ Вирусли гепатит Дельта касаллиги клиникаси, диагностикаси ва даволаш усуллари тўғрисида йўриқнома 7-иловага мувофиқ

ДАВОМИ

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2012 йил 5-январдаги
- ▶ 5-сонли “Республикада вирусли гепатит касаллигини олдини олиш-чора тадбирлари” тўғрисидаги буйруқда
- ▶ Вирусли касаллигига болаларни усуллари йўриқнома мувофиқ 8-гепатит чалинган даволаш тўғрисида иловага
- ▶ Вирусли касаллигига хомиладорларни усуллари йўриқнома мувофиқ 9-гепатитлар чалинган даволаш тўғрисида иловга

давоми

- ▶ Вирусли гепатит
Дельта ,болаларда
вирусли гепатит,
хомиладорлар гепатити,
жигар церрози билан
оғриганларни даволаш
тўғрисида иловалар ва
маълумотлар ушбу
буйруқда
кўрсатилмаган эди.
- ▶ Жигар церрози
билан оғриган
беморларни даволаш
усуллари тўғрисидаги
йўриқнома
10- иловага мувофиқ
белгиланган.

Тиббиёт ходимлари орасида ВГВ ни текшириш ва актив иммунизация ўтказиш тартиби

- ▶ Ўтган сонли буйруқда хавф гуруҳга кировчи тиббиёт ходимлари тўғрисида вирусли гепатит “В” ва “С” га текширилган натижаларни ДСЭНМ эпидемиология бўлимига фақатгина хисоботлар тақдим қилиниши ҳақида маълумот берилган эди.
- ▶ Ушбу буйруқда хавфли гуруҳга кировчи тиббиёт ходимларини вирусли гепатит В га текшириб манфий натижага эга бўлган ходимларни вирусли гепатит В га қарши иммунизацияси ҳақида ҳам маълумотлар тўлиқ берилган.

Ўткир вирусли гепатит А

- ▶ ВГА фекаль-орал механизми йўллар орқали юқиб қайсики, ичак инфекциялари: сувда, озиқ овқатларда, маиший мулоқот орқали юқади. Хўл мева, сабзавот, кўкатларни, хўжалик махсулотларини тозаланмаган сувлар орқали суғорилган сабзавотлар

Ўткир вирусли гепатит А

- ▶ Озиқ овқатларни тайёрлаш жараёнларида ва тозаланмаган сувлар орақли идиш товоқларни ювилган ҳолатларда ВГА касалланиш мумкин. Маиший йўл орақали юқишда санитар-гигиеник қоидаларига риоя қилинмаганда , шахсий гигиена бузилиши натижасида кузатилади.

Ўткир вирусли гепатит А хавфли гуруҳига қуйидагилар киради:

- ▶ -Ташкиллаштирилган болалар (3-6 ёш)
- ▶ -Хомиладорликнинг II ва III триместирларида
- ▶ -Хар қайси эмланмаган ва олдин касалланмаган одамлар А ва Е билан зарарланиши мумкин.Кўпчиик холларда туманларда эрта ёшдаги болалар касалланиши эҳтимоли юқори.

ВГА нинг профилактикаси ва эпидемияга қарши чора тадбирлар:

- ▶ Касалликнинг тарқалишига асосан ичак инфекцияси гурухлари юқори ўринда туради. Касалликни олдини олишда асосан фекаль-орал юқиш йўлига эътиборни қаратиш лозим.

Вирусли гепатит А профилактикаси

1. Ўз.ДСТ “Ичимлик суви” билан аҳолини таъминлаш

2. Санитария –гигиена талабларига амал қилишни таъминлаш, даволаш ва болалалар ташкилотларида санитар ва эпидемияга қарши қоидаларга амал қилиш, ўқув ташкилотлари ва дам олиш масканларини тоза сақлаш.

Вирусли гепатит А профилактикаси

3. Очиқ сув хавзаларини санитар

гигиенеик тоза сақлаш

4. Барча таълим тарбия

ташкилотларини тиббий

текширувлардан ўтказиш

5. Аҳолини тиббий маданиятини

ошириш.

ВГА да қуйидаги олдини олиш чора тадбирлари қўлланилади:

Касаллик манбаси сифатида гумон қилинган шахсларни ва уларда аниқ клиник симптомлар юзага келадиган бўлса, чуқур клиник-лаборотор текширувларга (Алн, АСТ, ВГА маркёрларини, ундан олдин эса қонда анти-НАV IgM) йўналтирилади. Оғир холларда эса шифохонада текшириш мақсадида ётқизилади. ВГА га гумон қилинган барча шахсларни шифохонага қабул қилиниб аниқланган ҳудуд ДСЭНМ ларига шифохона томонидан биринчи 24 соат ичида шошилиш хабарнома (ф.№58 У) берилади.

Қуйидаги олдини олиш чора тадбирлари қўлланилади:

ВГА барча ўчоқлари эпидемиологик текширувга йўналтирилади. Ўчоқ аниқланган ҳудудда истиқомат қилувчилар касаллик манбаи аниқланган кундан бошлаб, 35 кун давомида тиббий кўрикдан ўтказилиб, кейинчалик КОП, поликлиника ўрта тиббиёт ходимлари томонидан ҳар куни сўров, тери қопламларини рангини, склера ва шиллиқ қавтларни тана ҳароратини, болалар боғчларида эса болалаларни сийдик рангини кузатадилар.

ВГА манба топилган мактаб ёки боғчаларда ҳафтада 1 марта чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилади. Жигар ва талокнинг катталиғни текшириб турилади. АЛТ ни текшириш орқали лаборатор маълумотлар қилинади.

Вирусли гепатит А билан оғриган беморларни диспансер назорати

Агарда битта гурухда ёки мактаб синфларида 3 ёки ундан ортиқ болалар ВГА билан касалланган бўлса ушбу гурухлар 35 кун муддатда вақтинчалик ёпилади.

ВГА ни олдини олиш ва мақсадида мактаб ёшигача булган болалар орасида касалликни олдини олиш чоралари:

1.Инфекцион касалликларга гумон қилинган болаларни МТМ ларда тиббий пунктларни ташкил этиш.

2.Кичик гуруҳдаги болаларни 20 та, катта ёшдаги болаларни 25 та ,мактабларда 30 тага Сан М ва Қ ларга мос келган холда болаларни қабул қилиш.

3.МТМ лар гуруҳларида қайнатилган сувларни ташкил этиш.

Вирусли гепатит А билан оғриган беморларни диспансер назорати

4.МТМ ларда хар эрталаб болаларни ота оналаридан уларнинг ахволи хакида батафсил маъуломотлар йиғиш.

5.Шахсий гигиенага риоя қилган холда гурухларда раковиналар ўрнатиш.

6.Гурухларда хар бир болага алохида маркировкаланган сочиқ ва суюқ совунлари ташкил қилиш керак.

7.МТМ ларининг худудларида ташкил қилинган умумий фойдаланиш хужотхоналаида қўл ювиш учун раковиналар ташкил этилиши керак.

Вирусли гепатит А нинг профилактикаси тўғрисида

ВГА нинг махсус прфилактикасига эмлаш мухим ўрин тутади. Эмлаш Сан М ва Қ № 0239-07 “Ўзбекистон Республикасида юқумли касалликларнинг иммунопрофилактикаси” га асосан олиб борилади.

ВГА билан оммавий касалланиш ҳолатларида махсус органлардан иборат штаблар ташкил қилинади ва назорати ҳудудий ДСЭНМ лари томонидан олиб борилади.

Вирусли гепатит А нинг профилактикаси тўғрисида

Гурухлаб зарарланиш ҳолатларида асосий эътибор қуйидагиларга қаритилади:

- ичимлик сувларни тоза сақлаш, сув станцияларини тоза сақлаш ва зарарасизлантириш, канализация тармоқларини текшириш, озиқ-овқат маҳсулотларини санитар тозалигини текширишларга йўналтирилади.

Баъзи бир клиник кўрсатмаларга
асосан А ва Е турлари уй
шароитида даволаниш мумкинлиги
хақида ҳам маълумотлар берилган.

давоми

ВГА билан оғриган ва даволаниб чиқган беморларнинг диспансер назорати қуйидаги тартибда олиб борилади:

-Бемор уйига ахволи яхшиланган ҳолда ва жигар чегаралари ҳолати мейёрида келганда жавоб берилади

-АЛТ ва АСТ, билирубин миқдорининг камайиши ва бошқа таҳлиллар текширилади.

Барча вирусли гепатит билан оғриган беморларни шифохонадан чиқарилгандан сўнг 1 ой ўтиб даволовчи шифокори диспансер назоратидан ўтказилади ва кейинги диспансер назорати клиник кўрсатмаларга асосан гепатология марказларида ёки ҳудудий поликлиникалар ИКХ (инфекцион касалликлар хонаси) назоратида бўлади.

ВГА билан оғриган ўқувчилдар ва талабалар
3 ой муддатда жисмоний ҳаракатлардан ,
тунги навбатчиликлардан, транспортларда узок
юришдан озод этилади ва бу албатта ВМК
хулосаси орқали амлага оширилади.

Профилактик эмлашлар соғайгандан сўнг 6
ойдан кейин қилинади , операциялар 6 ойгача
қилинмайди ва хомиладорликдан 6 ой
давомида сақланади.

ДАВОМИ

ВГА билан оғриган ўқувчилдар ва талабалар 3 ой муддатда жисмоний ҳаракатлардан , тунги навбатчиликлардан, транспортларда узок юришдан озод этилади ва бу албатта ВКК хулосаси орқали амлага оширилади. Профилактик эмлашлар соғайишдан сўнга 6 ўтиб қилинади ,опреция ва хомиладорликдан 6 ой давомида сақланади.

Вирусли гепатитларда диспансер назорати

ВГВ билан оғриган беморлар шифохонадан чиқарилгандан сўнг 1- ойда даволовчи шифокор томонидан назорат қилинса, кейинчалик ИКХ шифокорлари томондан 6 давомида назорати олиб борилади. 3 ой ёки 6 ойдан сўнг 2 мартаба ПЗР текширишига йўналтирилади. Агарда натижалар манфий бўладиган бўлса бемор соғлом ҳисобланиб диспансер ҳисобидан чиқарилади. Улар ҳам 3 ой муддатда оғир жисмоний ҳаракатлардан озод қилинади.

**Сурункали вирусли гепатитларнинг
диспансер назорати қуйидагича
ташқиллаштирилади:**

- Қоннинг ивиш хусусиятини ,АЛТ ,АСТ,
билирубинни хар 6 ойда 1 марта
- хар 6 ойда 1 марта УТТ текшируви
- ИФА anti HDV-1 марта хар 6-12 ойда
қилинади.

**ЖССТ HBsAg 3 дозали ёки 4 дозали актив
иммунизациясига қуйидаги гуруҳдагиларга
ўтказишни тавсия қилади**

1) Барча эмизикли болаларни

2) Эмланмаган барча одамларни, ёшидан қатъий
назар

3) Юқтириш хавфи юқори шахслар

- қон ва унинг препатарларини , органлар

трансплантациясига мухтож одамларни

- махбусларни

- инъекция орқали гиёхванд моддаларни қабул

қилувчиларни

Актив иммунизация қуйидагиларга ўтказилади

- Жинсий шериги сурункали гепатит В бор бўлганлар
- кўп жинсий шерикга эга булган инсонлар
- Қон ва унинг препаратлари билан ишлайдиган тиббиёт ходимлари

Ушбу эмланишдан кейин эмизиш ёшидаги болаларда ,ёш болалар организмида 95% химоя антитаначалари ишлаб чиқилади.Бу эса 20 йилгача организмда сақланади ,кейинги эмлашлардан сўнг кейинчалик иммунитет умрбод сақланиб қолади.

Актив иммунизацияга тавсия қилинадиган гуруҳлар

Ушбу буйруқда тиббиёт ходимлари, олий ўқув юрти талабалари ва колледж талабалари эмланиши буйича алохида маълумот қайд қилинган.

АКТИВ ИММУНИЗАЦИЯГА ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ГУРУҲЛАР

- Қон хизматида ишловчилар
- гемодиализ бўлими ходимлари
- юрак-қон томир касалликлари
- хирургияси,гематология ходимлари
- клиник ташхис,биохимик тахлил бўлими
- жаррохлик хамширалари , боғлов хона
хамширлари ,эмлаш хона хамширлари

**Актив иммунизацияга тавсия қилинадиган
гуруҳлар:**

хамширалари, стамотолог, уролог, акушер-гинеколог, педиатр, инфекционист, гастроэнтеролог, анестезиолог ва реаниматолог, тез тиббий ёрдам мутахассислари, жаррохлик ва парентерал муолажаларни бажарувчи, Тиббиёт ходимлари (HBsAg, анти- HCV, ДНК-НВV.РНК- HCV) қон ва унинг компонентларини тайёрлашда ва ушбу сохаларда фаолият кўрсатишлардан четлаштирилади.

ВГС профилактикаси ва эпидемияга қарши 3 йўналишда чора тадбир олиб борилиши ҳам буйруқда курсатилган

1. Уй шароитида ёки ташкилотларда учоқ учрайдиган холларда шахсий гигиена, алоҳида тиш шёткаларини ишлатиш, соқол олиш мосламаси, маникюр ва педикюр жамланмаси алоҳида ишлатилиши керак. Юқорида айтилган жихозлардан умумий фойдаланилган холларда эпидемиологик суруштирув ўтказиб мулоқотдагиларни рўйхати тузилади ва юқумли касалликлар хонаси ва тахлил ўтказиб уларни диспансер назоратига олишни ташкиллаштиради.

2. Маиший хизмат кўрсатиш пайтида хар бир шахсга алохида маникюр ва педикюр , татуаж килентларга нисбатан алохида ишлатилиши айтиб ўтилган.

3. Шифохонда ВГС аниқланганда ва HCV қонида бор одамлар умрбод донорликдан четлаштирилади.

**Уткир вирусли гепатит С да деспансер
назорати**

**4. Уткир вирусли гепатит С
билан касалланган беморларни
геспитилизациядан кейин 6 ой
муддатда хар ойда назорат
қилинади. Шифокор кўриги хар 2
ойда 1 марта ўтказилиб АЛТ ,АСТ
ва HCV текширилади.**

Вирусли гепатит Дельта нинг профилактикаси.

Вирусли гепатит В билан касалланишни камайтириш бу ВГД камайишига олиб келади.

Парентерал гепатитнинг профилактикаси.

Қон ва унинг компонентлари орқали юқадиган вирусли гепатитлар –посттрансфузион гепатитлар деб айтилади.

Бунда олдини олиш мақсадида донор қонини текшириш, қон тайёрлаш ишларини текшириш

Шифоналарда беморларга қўйладиган қонни текшириш,гемотрансфузия,плазматрансфузия ва органларни ,тўқималарни кўчириб ўтказишни қатий назорат қилиш муҳимлиги хақида кўрсатилган. ПТГ олдини олишда “Қон ва унинг компонентларини қўйиш” буйича Ўзбекистон Республикаси ССВ нинг №423 сонли 16.01.2013 йилдаги буйруғига асосан ташкиллаштириш.

Сурункали вирусли гепатиларнинг профилактикаси ва эпидемияга қарши чора -тадбирлари.

Сурункали вирусли гепатит билан касалланганларни ДПМ ва ШДСЭН лари томонидан рўйхатга олиш ва кўрсатмаларга асосан шифохонага госпитализация қилиш.

Касаллик аниқланган вақтда эпидемиолог шифокор уй шароити ва ташкилотларда аниқланган ўчоқларни текширди.

МТМ аниқланган ўчоқни изоляция қилиб, ўчоқ билан мулоқотда бўлган болаларни 6 ой давомида шифокор кўригидан ўтказилади ва кейинчалик хар ойда текшириб турилади. Беморларда лабаротор текширувлардан HBsAg , анти – HCV ва АЛТ ни активлиги текширилади.

Шу билан бирга сурункали вирусли гепатит В ,С ёки микст гепатитларга гумондор болалар хақида яшаш жойи поликлиникаларида вирус ташувчи сифатида маълумот берилади.Сурункали вирусли гепатит ва HBsAg ,анти – HCV,ташувчи шахслар тиббий кўрикга йўналтирилади кайси кўзгатувчи билан зарарлангилигига қараб текширувга йўналтирилади.Улар йилига 1 марта текширувларга йўналтирилади

Сурункали вирусли гепатит В (HbsAg) ташувчилари анамнезидан эмланмаган ёки умуман эмланмаган бўлган холларда вирусли гепатит В га қарши эмланиши хақида хам маълумот берилган.

В ва С вирус ташувчи болалар махсуслаштирилган МТМ га йўналтирилади.

Хомилодорларнинг вирусли гепатити

Сурункали вирусли гепатит булган хомиладорлар туғруқ комплексларининг юқумли касалликлар бўлимида ва туғувчи аёллар эса эпидемияга қарши тартиб асосида перинатал марказларда йўналтирилади.

Сурункали вирусли гепатит В билан оғриган хомиладорлардан туғилган чақалоқларни биринчи 3-12 соат ичида миллий календар асосида эмланадилар.

14 ёшгача бўлган ВГВ(HbsAg) ташувчиларини карталарида эпидемиологик текширувлар олиб борилганлиги хақида қайдлар қилиб қуйилади. Барча 14 ёшгача бўлган ВГВ (HbsAg) ташувчиларни худудий ДСЭНМларда рўйхати тузилади бу эса ВГС турига ҳам таълуқли.

Вирусли гепатитларнинг диспансеризацияси ва дезинфекция тадбирлари

Вирусли гепатит билан касалланган беморлар уй шароитида ОП лар, ҚОП нинг УАШ лари томонидан назорати ушбу буйруқда аниқ кўрсатилган. Хар бир ташкилотда дезинфекцион чораларнинг назорати, унга амал қилиниши Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан жавобгарлиги ташкилот рахбарига бириктирилган.

Гепатитларнинг диспансеризацияси ва дезинфекция тадбирлари

Вирусли гепатит касалликларини олдини олиш мақсадида, уюшган ташкилотлардаги ўрта тиббиёт хамширалари тарбиячиларни , ошхона ишчиларини ,

Кир ювувчи ходимларни дезинфекция қилиш буйича йўриқномалар буйича ўргатадилар. Хар бир МТМ ва мактабларда дезинфекция чораларини назорати худудий ДСЭНМ лари томонидан йилига 4 марта текширувдан ўтказадилар.

Гепатит А да актив иммунизация қуйидаги болаларда тавсия қилинади:

- уюштирилган балалар
- гемофилия билан оғриган балалар
- Психатрия бўлимларидаги бемор балалар
- ВГА антителасиз булган жигар касаллиги билан оғриган балалар
- ВГА билан мулоқотда бўлган шахслар

Актив иммунизация 1 ёшдан
юқори булган болаларда
ўтказилади.

Вирусли гепатит С да
иммунизация ўтказилмайди.

Буйруқдаги янгликлар

Ушбу буйруқнинг яна бир янгилик томони шундаки ўтган буйруқда болаларда вирусли гепатит касаллигининг кечиши тўғрисида буйруқнинг - **8 иловасида** берилган. Бунда ВГ касаллиги билан оғриган беморларнинг диспансер назорати қуйидагича ташкил этилади.

Биринчи диспансер назорати даволанган стационарда ўтказилса кейинги кўриклар ВГА 3 , 6 ойда ,агарда ЎВГВ, ЎВГД, ЎВГС билан касалланган беморлар эса 1,3,6,9,12-ойларда диспансер назоратида ўтиб кейинчалик диспансер кўригидан озод қилинади. Мактаб ёшдагилар эса касаллик бошланган кундан 30-50 кундан кейин мактабга боришлари мумкин.

Сурункали вирусли гепатит билан оғриган болаларга шифокорлар кўрсатмаси асосида **виферон шамчалари** ва баъзида эса СВГВ ва СВГС да **фосфоглив** буюртирилади.

Сурункали ВГ билан оғриган беморларда клиник текширувлар 2-4 хафтада, биохимик (1гм қондаги билирубин миқдори ва АЛТ-АСТ) текширувлари эса 1-3 ойда, кейинчалик 6 ой давомида ўтказилади.

Жисмоний ҳаракатлар ва спорт билан шуғулланишдан озод этилади.СВГ билан оғриган болаларни гемоглобин,эндокрин тизими, айниқса қалқонсимон без , буйрак усти бези, ошқозон ости бези фаолияти текширилиб турилади.

Хомиладорлар вирусли гепатити

Буйруқнинг 9- иловасида хомиладорлар вирусли гепатитида кўплаб омиллар сабаб бўлиши мумкин. Аммо қайси вирус қўзғатувчиси билан зарарланганлигига қараб гепатит ривожланади. Хомиладорликда ВГ га хос белгилар кузатилмаслиги мумкин. Аммо баъзи ҳолатларда хомиладорликнинг эрта тўхтатилиши яъни ўз-ўзидан абортлар кутилиши мумкин. Бундан ҳам хафли томони бу хомиланинг **инфицирланишига** олиб келади.

ВГ билан оғриган хомиладорларни фақатгина пренатал марказларга ётқизиши хақида ҳам буйруқда кўрсатилган. Туғруқни олиб боришда фақатгина санитар қоидалар асосида акушерлар томонидан олиб борилади. чақалоқларни эмиздириш ҳам санитар гигиенек қоидаларга риоя қилган холда рухсат берилади ва тушунтирилади. Хомиладорларда ВГВ ва ВГС билан касалланганларда вирусга қарши терапия умуман мумкин эмас.

Жигар церрози ва хомиладорлик

Жигар церрози билан оғриган хомиладор аёлларни хомиладорликка қарши кўрсатмаси бор. Бунинг учун 12 хафталикгача хомиладорликни тўхатиш мумкин.

Айнан жигар церрози
касалигида хомиладорларинг
озик- овқат каллориясига
эътиборни қаратиш лозим.

*Эътиборингиз учун
рахмат!*